

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЎМОНОВ БАХРОМЖОН МУХТОРОВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА КИМЁВИЙ БИЛИМ,
КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(амалий мазмундаги мустақил ишлар мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Дўмонов Бахромжон Мухторович

Умумтаълим мактабларида кимёвий билим, кўникма ва малакаларни самарали ривожлантириш (амалий мазмундаги мустақил ишлар мисолида).....3

Думонов Бахромжон Мухторович

Эффективное развитие химических знаний, умений и навыков в общеобразовательных школах (на примере самостоятельных работ с практическим содержанием).....23

Dumonov Bakhromjon Mukhtorovich

Effective development of chemical knowledge and skills in general education schools (on the example of independent work with practical content)43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЎМОНОВ БАХРОМЖОН МУХТОРОВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА КИМЁВИЙ БИЛИМ, КЎНИКМА
ВА МАЛАКАЛАРНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(амалий мазмундаги мустақил ишлар мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped246 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аскарлов Иброҳим Раҳмонович,
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухаммадиев Мухтор Ганиевич,
кимё фанлари доктори, профессор

Омонов Ҳожиқул Товбоевич,
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)227-12-24; факс: (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)227-12-24; факс:(+99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси.)

М.М.Арипов

илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф-м.ф.д., профессор

А.Д.Аскарлов

илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

М.Тўхтасинов

илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кимё таълими соҳасини такомиллаштириш, замонавий ахборот ва педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, табиий фанларнинг замонавий ривожланиш тенденцияларига мос равишда уларни ўқитишнинг методик асосларини ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатларда табиий-илмий саводхонликни баҳолаш ҳалқаро дастури (PISA) талабларини кимё ўқитиш жараёнига татбиқ этиш асосида ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишларини ошириш, дарс ва мактабдан ташқари ишларда фойдаланиш учун қўшимча илмий-оммабоп адабиётлар яратиш, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш, кимё фанига оид компетенцияларини шакллантиришда янги ёндашувларни аниқлаш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишлар кўзга ташланмоқда.

Ҳалқаро миқёсда табиий фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малака (БКМ)ларини ривожлантириш, турдош фан асослари мазмунини интеграциялашга доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда ўқувчиларнинг кимёдан ўзлаштирадиган билимлари ва кундалик ҳаётдаги кимё билан боғлиқ ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси, ўқитиш жараёнида кўпроқ ҳаёт билан боғланган маълумотлардан тизимли тарзда фойдаланиш масалаларини ҳал этиш, кимёни ўқитишда кундалик ҳаётдаги ҳолатлар мисолида ўхшашликлардан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг кимё фанидан ўзлаштирган билим ва кўникмаларини кундалик турмуш, ҳаётда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини англаб, тушунган ҳолда қўллай олиш, уларнинг табиий-илмий дунёқарашларини кенгайтириш, кимё фанининг таълим-тарбиявий мақсадларини амалга ошириш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида ўқувчиларнинг фан асосларини ўрганишга қизиқишини ошириш, таълим олиш сифатини жаҳон талаблари даражасига кўтариш бўйича ижобий ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, кимё таълими методик таъминоти мазмунини такомиллаштиришда амалий мазмунга эга топшириқларни ишлаб чиқиш зарурияти кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”¹ устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада кимё фани мазмуни ва аниқ-табиий фанларнинг таянч тушунчаларини ўзаро

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

интеграциялаш, методик таъминот мазмунини баҳолашнинг ҳалқаро дастурлар талаблари асосида ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг амалий иш кўникмаларини шакллантириш ишларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 6 февралдаги ПҚ–2124-сон, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ҳалқ таълими вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–3304-сон, 2018 йил 5 сентябрдаги “Ҳалқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3931-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз, ҳамдўстлик мамлакатлари ва хориж давлатларида таълим тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг БКМларини самарали ривожлантириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, республикада таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш соҳасида Б.Зиёмухаммадов, Н.Н.Азизходжаева, Н.С.Сайдахмедов, Ҳ.Т.Омонов, тадқиқотчилардан Ш.Ш.Бегматов, Э.У.Закинов, Э.У.Эшчанов турли замонавий таълим методлари, мустақил ишлардан ўқув жараёнида ва дарсдан ташқари ишларда самарали фойдаланиш методикаси, дидактик ўйинлар, кимёнинг амалий аҳамиятига доир маълумотлар асосида мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш бўйича, психолог олимлардан П.И.Иванов, М.Э.Зуфарова, Э.Ғозиев, А.Жабборов таълим самарадорлигини оширишда ўқувчиларнинг психологик ривожланиш қонуниятлари, уларнинг характери, қобилиятлари, ўқув жараёнида ташқи таъсирлар, ички ва ташқи мотивациялар, уларнинг барқарорлиги, ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотирага доир тадқиқотларни олиб боришган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида В.В.Гузеев, О.С.Зайцев, Г.К.Селевко, Г.М.Чернобельская таълим самарадорлигини оширишга қаратилган турли анъанавий ва замонавий методлар, мустақил ишларнинг турлари, шакли ва уларнинг ўқув жараёнидаги ўрнини тадқиқ этишган. Ўқувчиларнинг экспериментал кўникмаларини ривожлантириб боришга оид И.П.Балаев, М.П.Руденко, Т.А.Шипарева ишларида уй шароитида экспериментал масалалар ечиш ва тажрибаларнинг

бажарилишини ташкил этиш, уларни амалиётга татбиқ этишнинг илмий-методик асослари ёритилган.

Хорижлик олимлардан M.Frimantl, M.Calik, A.Ayas, P.Sarantopoulos ва G.Tsaparlis ишларида табиий фанларни ўқитиш негизида кимёнинг амалий аҳамиятини акс эттириш орқали унинг самарадорлигини оширишга доир тадқиқотлар ўз аксини топган.

Муаммони назарий жиҳатдан ўрганиш натижасида ривожланган хорижий мамлакатлар ҳамда Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида кимёни ўқитишга доир муайян тажриба тўпланганлигига қарамай мазкур ўқув предмети мазмунини бойитиш, уни таркибий жиҳатдан такомиллаштириш, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини ошириш асосида билимларнинг пухта ўзлаштирилишига қаратилган ишлар етарлича ўрганилмаганлиги аниқланди. Бу эса амалий мазмундаги мустақил ишлар ёрдамида ўқувчиларнинг кимёвий билим, кўникма ва малакаларни самарали ривожлантириш масаласини атрофлича тадқиқ этишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг кимёвий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга доир тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

7-синф ўқувчилари учун кимё ўқув предметида бўлган қизиқишни оширадиган, дарсларда ва мактабдан ташқари ишларда мавзулар бўйича ўзлаштириладиган билим, кўникма ва малакаларни самарали ривожлантириш учун амалий мазмундаги мустақил ишларни ишлаб чиқиш;

уй шароитида бажарилиши мумкин бўлган кимёвий тажрибалар ва улардан фойдаланишга доир методик тавсиялар ҳамда йўриқномалар тайёрлаш;

кимё дарслари ва мактабдан ташқари ишларни амалий мазмундаги мустақил ишлар, инновацион ўқитиш методлари ёрдамида такомиллаштириш;

ишлаб чиқилган амалий мазмундаги мустақил ишларни синовдан ўтказиш ва олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш ҳамда тегишли хулоса ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Андижон, Фарғона ва Жиззах вилоятларидаги 192 нафар ўқувчи жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини амалий мазмундаги мустақил ишлар асосида кимёвий билим, кўникма ва малакаларни самарали ривожлантиришнинг мазмуни, тамойиллари, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадларга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун социологик методлар (анкета сўрови, суҳбат, савол-жавоб), моделлаштириш, педагогик кузатиш, педагогик тажриба натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш ва натижаларни умумлаштириш усулларида комплекс фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кимё фани мазмуни аниқ-табиий фанлар таянч тушунчалари (қонуниятлар, ҳодисалар, фактик материаллар)нинг ўзаро интегратив хусусиятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг кимё фанига оид тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёни уй тажрибаларини ташкил этишда замонавий табиий фанлар концепциясига асосланган эвтагогик фикрлаш элементларини (мустақил изланиш, ихтирочилик) киритиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда кимёвий билим, кўникма ва малакаларни самарали ривожлантиришнинг методик таъминоти (тест топшириқлари, масала ва машқлар, кимёвий тажрибалар) табиий-илмий саводхонлик даражасига қўйиладиган талаблар (англаш, тушуниш, амалиётга татбиқ этиш) асосида ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг кимё дарсларида мустақил ишларини ташкил этиш технологияси анъанавий (продуктив, эвристик, тадқиқотчилик) ва ноанъанавий (виртуал, биоадаптив) усуллари амалий мазмундаги мустақил ишлардан фойдаланган ҳолда интеграциялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

умумий ўрта таълим мактаблари 7-синф кимё ўқув курси мазмунидаги билим, кўникма ва малакаларнинг ўқувчилар томонидан самарали ўзлаштирилиши учун мавзулар мазмунидаги кимёвий тушунчаларнинг ҳаётдаги аҳамиятини ўзида акс эттирган амалий мазмундаги масала ва машқлар, тест топшириқлари, уй шароитида бажарилиши мумкин бўлган кимёвий тажрибалардан фойдаланиш зарурлиги аниқланган;

ўқувчиларнинг 7-синф кимё ўқув курси мазмунидаги мавзуларни ўрганишга бўлган қизиқишини, таълим олиш сифатини орттириш, кимё фани, саноатининг кундалик турмушдаги аҳамиятини англаштириш, ўқув жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, табиий-илмий дунёқарашни кенгайтириш юзасидан методик тавсиялар тузилмаси фойдаланиш учун тавсия этилган ҳамда тажриба-синов ишларида уларнинг самарали эканлиги олинган натижалар билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги диссертацияда фойдаланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик методлар воситасида қайта

ишланганлиги ва асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, таклиф этилган методик таъминот муҳим илмий вазифа бўлган кимёвий билимларни англашни ошириш ва билим формализмини камайтириш имконини беради ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида кимёни ўқитиш жараёнида таълимнинг амалиёт билан боғлиқлиги тамойилидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий-методик тасаввурларни бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумтаълим мактаблари 7-синф ўқувчилари учун амалий мазмундаги мустақил ишлар ва уй шароитида бажарилиши мумкин бўлган кимёвий тажрибалар тизими яратилиб, уларни ташкил этиш ва олиб боришга доир йўриқномалар ишлаб чиқилганлигидир. Улардан кимё фани ўқитувчилари билан бир қаторда, бошқа аниқ-табиий фанлар ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш, кимёвий таълим мазмуни ва сифати бўйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, ўқитиш сифатини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактабларида кимёвий билим, кўникма ва малакаларни амалий мазмунга эга мустақил ишлар асосида самарали ривожлантиришга доир тадқиқотлар натижалари асосида:

кимё фани мазмунини аниқ-табиий фанлар таянч тушунчаларининг ўзаро интегрatív хусусиятлари асосида такомиллаштириш, кимё ўқитишда компетенциявий ёндашувни жорий этишга оид таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган кимё фани бўйича умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 25 декабрдаги 01-02/2-2-524-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, фанлараро алоқалар асосида назарий билимларни кенгайтиришни таъминлашга хизмат қилган;

ўқувчиларнинг кимё фанига оид тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёнини, уй тажрибаларини ташкил этишда замонавий табиий фанлар концепциясига асосланган эвтагогик фикрлаш элементларини киритиш асосида такомиллаштиришга доир таклифлар “Кимё. 7-синф” номли методик қўлланмада ўз аксини топган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 25 декабрдаги 01-02/2-2-524-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаблари кимё ўқув курсида тадқиқотчилик кўникмаларини самарали ривожлантиришга доир

таклифлар лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўқувчиларда кимёвий билим, кўникма ва малакаларни самарали ривожлантиришнинг методик таъминотини табиий-илмий саводхонлик даражасига қўйиладиган талаблар асосида ишлаб чиқиш, кимё дарсларида мустақил ишларни ташкил этиш технологиясининг анъанавий ва ноанъанавий усуллари амалий мазмундаги мустақил ишлардан фойдаланган ҳолда интеграциялаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг “2017–2018 ўқув йилида таълим сифати мониторинги тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 299-сон буйруғи 3-бандига асосан кимё фанидан ўзлаштирилган кимёвий билим, кўникма ва малакаларни аниқлаш учун очик ва ёпиқ жавобли ҳамда PISA тестларини тузишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 25 декабрдаги 01-02/2-2-524-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар ўқувчиларнинг мавзулар бўйича кимёвий билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилишини назорат қилиш ва баҳолаш, самарали шаклланиши ва ривожланишини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот объекти, предмети, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Умумтаълим мактабларида кимёвий билим, кўникма ва малакаларни самарали ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари» номли биринчи бобида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар томонлама баркамол, кенг дунёқарашга эга, мустақил,

соғлом фикрлайдиган, ижтимоий талаблар асосида пухта назарий билим ва амалий фаолият кўникмаларига эга ёш авлодни вояга етказишда кимё ўқув фанининг муҳим таълим-тарбиявий вазифаларни бажариши ҳақида фикрлар мавжуд.

Мазкур бобда БКМлар мазмуни, моҳияти ва тоифаланиши, уларга Азизхўжаева Н.Н., Зуфарова М.Э., Иванов П.И., Подласый И.П.ларнинг берган таърифлари ўрганилган. Кимё таълимида ўқувчиларнинг табиий-илмий дунёқарашларини кенгайтириш, содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етишларида кимёвий БКМларни пухта ўзлаштириб боришлари талаб этилади. Азизхўжаева Н.Н. уларни қуйидагича таърифлайди:

Билим – атроф-муҳитни билиш натижалари, уларнинг инсон онгида ҳақиқий акс этишидир.

Кўникма – мавжуд билимлар асосида ўзгариб турувчи ёки янги шароитда шахснинг муайян фаолиятни самарали бажаришга қаратилган қобилиятидир.

Малака – автоматик тарзда бирор ҳаракатни бажариш қобилиятидир.

Иванов П.И., Зуфарова М.Э. кўникма ва малакаларга қуйидагича таъриф беришади:

Кўникма – шундай ақлий ҳамда жисмоний ҳаракатлар, усуллар ва йўл-йўриқлардан иборатки, булар ёрдами билан қандайдир мақсадга эришилади ёки айни бир фаолият амалга оширилади.

Малакалар – бирор ҳаракатнинг мустаҳкамланган йўл ва усуллари бўлиб, бу йўл ва усуллар, одатда, мураккаб онгли фаолиятни бажаришда қўлланилади.

Айрим муаллифларнинг фикрича, кимёвий билимларни уч тоифага ажратиш мумкин:


1. Кимёвий қонунлар, назариялар, таълимотлар ҳақидаги билимлар;

2. Кимёвий тушунчаларга оид билимлар;

3. Таянч билимларни қўллаш орқали фактик материалларни ўрганишда шаклланадиган билимлар.


Адабиётларда кўникмаларнинг таснифланишига доир турлича ёндашувлар мавжуд. Умумўқув кўникмалари турли ўқув предметларини ўрганиш давомида шаклланиб боради. Улар, ўз навбатида, мантиқий, ташкилий-ўқув кўникмаларига бўлинади. Махсус кўникмалар эса маълум ўқув предмети доирасида шаклланади.

Ўқув дарсликларининг қиёсий таҳлилида уларда мавжуд бўлган боблар таркибидаги ҳар бир мавзуда берилган назарий билим ва ақлий, амалий фаолият кўникмаларининг дарслик мавзулари матнида нечтаси қоида, изоҳ тарзида берилганлиги, нечтаси эса уларни назорат, таҳлил этиш, мустаҳкамлаш ва такрорлаш мақсадида савол ва топшириқларда, кимёвий масала ва машқларда, тест саволларида акс этганлиги, шу билан бирга дарсликларда амалий мазмунга эга мустақил иш топшириқлари мавжудлигини аниқлаш бўйича ишлар олиб борилган (1–2-расм).



1-расм. Кимё дарсликларининг таҳлили

7-синф кимё дарсликларида амалий мазмундаги мустақил ишларнинг қиёсий таҳлили



2-расм. Дарсликларда амалий мазмундаги мустақил ишларнинг акс этиши

Шу билан бирга, мазкур бобда дарсда ва мактабдан ташқари ишларда кимёвий БКМларни ривожлантиришда мустақил иш топшириқлари ва ўқитиш методларининг аҳамияти ёритилган. Ўқувчилар бажарадиган ишлар мазмунига кимёнинг амалий аҳамиятига доир маълумотларни киритиш ишларининг мавқеи юзасидан мавжуд илмий-методик манбалар таҳлил этилган. Мактабдан ташқари ишлар таҳлил этилиб, ўқув-тарбия жараёнида кимё ўқитиш самарадорлигини ошириш, кимё фани ва саноатининг ўқувчилар кундалик турмушидаги аҳамиятини англаш омили сифатида фойдаланишга алоҳида урғу берилган. Уйда мустақил ишлаш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари очиб берилган. Кимё таълимининг мактаб босқичида (7-синф) дарсда ва мактабдан ташқари ишларнинг сифат ва самарадорлигини оширишда мавзуларга оид амалий мазмундаги мустақил ишлар, уй шароитида бажарилиши мумкин бўлган кимёвий тажрибалар, кимё ўқитишнинг анъанавий методлари ва замонавий педагогик технологияларнинг интерфаол усуллари кўллаган ҳолда улардан самарали фойдаланишга доир тавсиялар фан ўқитувчиларига тақлиф этилган.

Диссертациянинг «Умумтаълим мактабларида кимёвий билим, кўникма ва малакаларни самарали ривожлантириш методикаси» номли 2-бобида дарсда ва мактабдан ташқари ишларда кимёвий БКМларни амалий мазмундаги мустақил ишлар ёрдамида самарали ривожлантириш, ўқитишнинг анъанавий методларини такомиллаштириш ҳисобига ўқувчиларнинг кимёвий БКМларни пухта ўзлаштиришлари бўйича тадқиқот натижалари кимё таълимининг мактаб босқичи (7-синф) мисолида изоҳланган. Атом-молекуляр таълимот асосида турли моддалар, уларнинг таркиби, тузилиши, хоссалари, физик ва кимёвий ўзгаришлар, нисбий атом ва молекуляр масса, модда миқдори, моль, моляр масса, кимёвий қонунлар, оддий ва мураккаб моддаларнинг синфланиши, айрим элементлар ва уларнинг табиатда учраши, олиниши, физик ва кимёвий хоссалари, ишлатилишига доир назарий билимлар ҳамда ақлий, амалий кўникма ва малакаларни самарали шакллантириш ва ўзлаштириб бориш талаб этилади. Бу босқич бўйича таълим беришда асосий эътиборни атом-молекуляр таълимот нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда оддий ва мураккаб моддалар, улар хоссаларининг таркибига кўра ўзгариш қонуниятларини илмий жиҳатдан очиб бериш ўқувчиларнинг табиатдаги барча ўзгаришлар сифат ва миқдорий жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини англаб етишларида муҳим таълим-тарбиявий аҳамиятга эга.

Умумтаълим мактабларининг 7-синфлари учун кимё ўқув фанидан Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури талаблари асосида мавзулар бўйича ўзлаштирилиши керак бўлган кимёвий билим ва ақлий, амалий фаолият кўникмаларини ўз мазмунида ифода этувчи, уларни такрорлаш, мустаҳкамлаш билан бир қаторда кимё фанининг кундалик турмушда, ҳаётда, турли ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнлардаги амалий аҳамиятини англашда зарур бўлган турли қизиқарли маълумотларни сақловчи мустақил иш топшириқларидан ўқув жараёнида фойдаланиш яхши самара беради. Кимё таълимининг мактаб босқичи (7-синф) учун амалий мазмунга эга бўлган тест топшириқлари илк маротаба ишлаб чиқилиб, улардан фойдаланишга доир тавсиялар баён этилган. Ўқув жараёнини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг кимёвий БКМларини тезкор назорат қилиш, таҳлил этиш ва баҳолаш, уларнинг ўзлаштирилмаганларини аниқлаш ва дарснинг ўзида ўзлаштирилиш чора-тадбирларини кўриш каби долзарб вазифалар ечими юзасидан кейинги йилларда кўплаб ишлар, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Булар жумласига кўп танлов жавобли ва комбинацияли мустақил иш топшириқларини келтириш мумкин. Муаллифлар бундай топшириқларни бешта шаклга бўлиб кўрсатишган:

1. Тенг нисбатда тўғри ва нотўғри жавоблардан иборат тест саволлари;
2. Бир-бирига қарама-қарши тушунчаларни аниқлашга доир тест саволлари;
3. Тўғри кетма-кетликни аниқлашга доир тест саволлари;
4. Ўзаро мос келувчи тушунчаларни аниқлашга доир тест саволлари;
5. Турли расм ва чизмаларни ўқишга доир тест саволлари.

Айрим муаллифлар мавзуларни модулларга бўлиш, улар бўйича турли шаклдаги тест саволлари, маълумотларни қайта тиклашга доир, ижодий саволлар тарзидаги, аралаш, иккита тўғри жавобли, кўп вариантли очик, ёпик тест саволларини ишлаб чиқиш, бунда уларнинг ишончилиги, эҳтимолдан тўғри жавоб топиш ҳолларининг олдини олиш, уларни бажаришда кўп вақт сарфламаслик, текширишнинг оқилона усуллари юзасидан тегишли тавсияларни таклиф этишган. Бундай тест топшириқларини текшириш ва баҳолаш 5, 100 балли системада, уларга ўртача баҳо чиқариш, ҳар бир тест саволига унинг мазмунида ифода этилган БКМлар содда ёки мураккаблигига қараб турлича баллар қўйиш бўйича таклифлар берилган ва улар ўқув жараёнида тегишли синовлардан ўтказилиб, самарадорлиги аниқланган.

Аввал ва ҳозирда амалдаги кимё ўқув дарсликлари таҳлили тест топшириқларида назорат қилиш ва баҳолаш мумкин бўлган кимёвий БКМлар ўқув йили давомида ўзлаштирилиши керак бўлганларига нисбатан озчиликни ташкил этишини кўрсатди, кимё фани ўқитувчиларининг ўз дарсларида фойдаланиш учун тузаётган тест саволлари айрим ҳолатларда дидактик талабларга тўлиқ жавоб бермаётганлиги эса ачинарли ҳолдир. Ушбу салбий ҳолатни бартараф этиш мақсадида ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини, фанга бўлган қизиқишларини ошириш, кимёнинг амалий аҳамиятини кўрсатиб бориш, назариянинг амалиёт, ҳаёт билан боғлиқлиги тамойили асосида репродуктив ва продуктив билиш фаолияти туридаги қизиқарли маълумотлардан унумли фойдаланган ҳолда 7-синф кимё ўқув дастурининг ҳар бир мавзуси бўйича тест топшириқлари ишлаб чиқилди ва амалиётда синовдан ўтказилди. Мазкур тест топшириқлари ўқувчиларнинг кимё фанига бўлган қизиқишларининг ортишида муҳим аҳамият касб этиб, улардан ўқувчиларнинг уй вазифаларини бажаришини назорат қилишда, кимёвий БКМларни баҳолаш ва ўзлаштириш давомида пайдо бўлган бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Кимёвий масала ва машқлар ўқувчиларнинг ўзлаштирган назарий билимларига асосланган ҳолда ақлий ва амалий фаолият кўникмаларини шакллантириш, ривожлантириб боришда муҳим дидактик восита бўлиб хизмат қилади. Кимёвий масала ва машқлар ечиш кўникмаларини шакллантириш учун ўқувчилар пухта назарий билимларга эга бўлишлари, турли ақлий фаолият турларини амалга ошира олишлари катта роль ўйнайди.

Тадқиқотимиз давомида турли кимёвий масала ва машқларнинг мазмуни, уларда ифода этилган ва мустаҳкамланиши керак бўлган кимёвий БКМлар, масала ва машқлар ечимларини ўргатиш ва ўрганиш борасида турли манбаларда ёритилган қуйидаги қатор муаммолар аниқланди ва уларнинг бугунги кунда кимё таълими самарадорлигига салбий таъсири ўрганилди:

1. Кимёвий масала ва машқлар ечиш кўникмаларини ривожлантиришда дарс вақтидан унумли фойдалана олмаслик;

2. Масалаларни репродуктив усулда ечиш, уларни бошқа, қисқароқ ечиш усуллариغا доир тушунчалар берилмаслиги;

3. Ўқувчиларнинг кимёвий масала, машқларнинг моҳияти ва ечиш усуллари тушунишда қийналишлари;

4. Ўқувчиларнинг ҳисоблашга доир масалаларнинг кимёвий (сифат) ва ҳисоблаш (миқдорий) қисмларини ажрата олмаслиги;

5. Ўқувчиларнинг айрим ҳолларда кимёвий тил, ҳисоблаш амаллари ва физик катталиклардан фойдаланишда хатога йўл қўйиши;

6. Ўқувчиларнинг ечими топилган масала жавобини бошқа усулларда ечиб кўрмасликлари ёки тескари мазмундаги масала тузиш ва уни ечиш орқали текшириб кўрмасликлари;

7. Ўқувчиларнинг ҳар бир кимёвий масала алоҳида турга мансуб деган нотўғри тушунчаларга эга эканлиги;

8. Кимёвий масала ва машқларнинг мазмунида кимёнинг амалий аҳамиятига доир маълумотлардан кам фойдаланилганлиги.

Мазкур муаммоларни бартараф этишда уларнинг мазмунига ўқувчилар кундалик турмушда кўп бор кузатган, фойдаланган моддалар, ходисалар, кимёнинг амалий аҳамиятига доир қизиқарли маълумотларни киритиш ушбу масала ва машқларда ифода этилган кимёвий БКМларни ўқувчилар томонидан такрорланиб, мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўқувчиларнинг кимёвий масала ва машқларни турли усулларда ечиши, масала шартини аниқ ва лўнда ифода этган ҳолда кимёвий тил, ҳисоблашга доир амаллар ҳамда физик катталиклардан тўғри фойдаланиши масала шартини фикрлаш қобилиятдан келиб чиқиб тўғри таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантиришга имкон яратади. Энг асосийси, кимё фанининг кишилар ҳаётидаги амалий аҳамияти юзасидан ўқувчиларнинг табиий-илмий дунёқарашлари кенгаяди, уларнинг кимё фани асосларини ўрганишга, кимёвий БКМларни пухта ўзлаштириб боришга бўлган қизиқиш ва интилишлари ошади. Олиб борилган тадқиқотимиз давомида ушбу муаммоларни ечиш йўллари излашда ўқувчиларнинг 7-синфда кимёвий тушунчалар, қонунлар, назариялар, фактик материалларга оид кимёвий БКМларни ўзлаштириб бориш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда кимёнинг амалий аҳамиятини ўз мазмунида акс эттирувчи, ўқувчиларнинг кундалик ҳаётида кўп бор дуч келинадиган моддалар ва ходисалар мисолидаги қизиқарли маълумотлар асосида тузилган, маълум бир кимёвий БКМларни такрорлаш орқали мустаҳкамлашга қаратилган масала, машқлар тўплами ишлаб чиқилди ҳамда уларда ифода этилган кимёвий БКМларни ўқувчилар томонидан такрорланиб, мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги олиб борилган тажриба-синовлар орқали аниқланди.

Кимё таълимининг мактаб босқичида (7-синф) ўқувчилар лаборатория ишлари, амалий машғулотлар давомида турли кимёвий асбоб-ускуналар, уларнинг номлари, улардан фойдаланиш, улар ёрдамида айрим содда тажрибаларни бажариб боришга доир қатор экспериментал кўникма ва малакаларни ўзлаштириб борадилар.

Айрим кимё фани ўқитувчилари уй тажрибаларининг олиб борилишига қарши чиқадилар. Уларнинг фикрича, бу тажрибаларнинг бажарилиши

Ўқитувчи назоратидан четда бўлиши сабабли турли нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига олиб келади. Кимё ўқув предметида мавзуларни чуқурроқ англаб етишлари учун ўқувчиларнинг назоратсиз олиб бораётган турли кимёга доир фаолиятларини маълум бир йўналишда, мақсадли тарзда ташкил этиш зарур. Шунинг учун бундай ишларни ташкил этиш ва олиб боришда уй тажрибаларининг мазмуни, уларни олиб боришга доир кўрсатмалар ҳамда тажрибаларни бажариш давомида хавфсизлик қоидаларига доимий риоя этишлари кимёнинг турли қизиқарли, янги, улар учун номаълум бўлган қирраларини ўрганишлари учун зарурлигини доимий таъкидлаб бориш, лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар давомида уларни лабораторияда ишлаш қоидаларига ўргатиб бориш ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олади. Ишлаб чиқилган кимёвий уй тажрибалари ўқувчиларнинг ижодий, тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш, ўзгартирилган шароитларда ҳам кимёвий БКМларни татбиқ эта олишга ўрганишларининг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги тажриба натижалари асосида аниқланди.

Ҳозирги кунда таълим соҳасига татбиқ этилаётган педагогик технологиялар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра педагогика, психология, хусусий ўқитиш методикалари ва уларнинг амалиётда эришган ютуқлари, олдинги анъанавий таълим тизимининг жамият тараққиёти, бугунги кунда таълим соҳаси олдида қўйилган ижтимоий талаблар, таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни замонавий тамойиллар асосида ташкил этиш натижаларининг ўзаро уйғунлигини ифодалайди. Замонавий педагогик технологиялар билан ўзаро уйғунликдаги ва амалий мазмундаги мустақил ишлардан унумли фойдаланган ҳолда кимё таълими анъанавий методларининг ўқув жараёнига татбиқ этилишига доир мавзулар бўйича ўқув машғулотлари сценарийлари яратилди. Дидактик ҳамда замонавий тамойиллар асосида кимёвий БКМларни самарали ривожлантириш учун ишлаб чиқилган амалий мазмундаги мустақил ишлар, таълим методларини улар ёрдамида такомиллаштиришга доир методик тавсиялар, уй шароитида бажарилиши мумкин бўлган кимёвий тажрибалар кимё таълими мактаб босқичининг (7-синф) самарадорлигини ошириш омилидан бири бўлиши мумкинлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ва унинг натижалари**» номли 3-бобида мустақил ўқув фаолияти билан боғлиқ кимё ўқув жараёнини ташкил этиш, унга оид машғулотлар мазмунини такомиллаштириш ҳамда қайд этилган натижаларни таҳлил қилиш билан боғлиқ жиҳатлар тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, аҳамиятини амалиётда синаб кўриш, олинган натижаларни таҳлил этиш орқали уларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида уч босқичда (2013–2014, 2014–2015 ва 2015–2016 ўқув йиллари) педагогик тажриба-синов ишлари ташкил этилди ва олиб борилди.

Педагогик тажриба-синовнинг мақсади кимё таълимининг мактаб босқичи (7-синф) учун ишлаб чиқилган амалий мазмундаги мустақил ишлардан кимё таълимига мос замонавий педагогик технологиялар ва анъанавий таълим методларидан унумли фойдаланган ҳолда амалиётда

синовдан ўтказиш, олинган натижаларга таянган ҳолда ўзига хос қонуниятларини ишлаб чиқишдан иборат.

Кимё таълимининг мактаб босқичида (7-синф) ўрганиладиган кимёвий БКМларни ўқувчилар ўзлаштириб боришлари учун ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилган амалий мазмундаги мустақил ишлар ва тавсияларнинг самарадорлиги ҳар бир боб якунида ўқувчиларнинг билим даражаларидаги ўзгаришларни, ёзма назорат ишлари, амалий машғулот ва лаборатория ишларини кузатиш ва баҳолаб бориш орқали аниқланди ва тасдиқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўқувчилар билим даражаларининг ўзгариши

Синфлар	Ўқувчилар сони	Жавоблар					
		Ўқув йили бошида			Ўқув йили охирида		
		ТТ	ТЧ	Н	ТТ	ТЧ	Н
Тажриба	98	27/27,5	36/36,7	35/35,8	45/46	47/48	6/6
Назорат	94	28/29,8	31/33	35/37,2	36/38,3	41/43,6	17/18,1

Изоҳ: ТТ – тўғри тўлиқ; ТЧ – тўғри чала; Н – нотўғри; махражда фоизлар

Тажриба ўтказилган синфларда ўқув йили охирида берилган саволларга тўлиқ ва тўғри жавоблар сони назорат синфларига нисбатан 7,7 % га, тўғри ва чала жавоблар сони 4,4 % га ошганлиги, нотўғри жавоблар сони эса 12,1% га камайганлигитаҳлил натижасида аниқланди.

Ўқув йили давомида ўқувчиларнинг кимёвий БКМларни ўзлаштириш самарадорлигини ошириш учун ўз мазмунида кимёнинг амалий аҳамиятига доир қизиқарли маълумотлар сақлаган жорий ва уларнинг умумлашган БКМларини назорат этиш ва баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган оралик назорат топшириқларига берилган жавоблари бўйича қўйилган ўқув йилининг якуний баҳоларига кўра тажриба синфлардаги “қониқарли” ва “қониқарсиз” баҳолар сони назорат синфларига нисбатан 20,9 % га камайганлигини таҳлиллар кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўқув йили якунида ўқувчилар йиллик баҳоларининг натижалари

Синфлар	Ўқувчилар сони	Баҳолар			
		5	4	3	2
Тажриба	98	37/37,7	44/44,9	15/15,3	2/2,1
Назорат	94	28/29,7	30/32	33/35,1	3/3,2

Изоҳ: Махражда фоизлар

Ўқувчиларнинг кимё таълимининг мактаб босқичи (7-синф) бўйича ўзлаштирган умумлашган билимлари негизида кимёвий БКМлар бўлишини ҳисобга олган ҳолда ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, тажриба

синфларда назорат синфларига нисбатан “аъло” ва “яхши” баҳоларнинг улуши 18,8 % га ортган (3-жадвал).

3-жадвал

Ўқувчилар билим даражаларининг ўзгариши динамикаси

Баҳолар	Тажриба синфлари		Назорат синфлари	
	Дастлабки босқичда	Сўнгги босқичда	Дастлабки босқичда	Сўнгги босқичда
Аъло	21/21,4	35/35,7	19/20,2	26/27,7
Яхши	24/24,5	42/42,8	26/27,7	30/32
Қониқарли	44/44,9	18/18,4	41/43,6	35/37,1
Қониқарсиз	9/9,2	3/3,1	8/8,5	3/3,2
Жамиўқувчилар сони	98	98	94	94

Изоҳ: Махражда фоизлар


Ўқувчилар уй шароитида бажаришлари мумкин бўлган кимёвий тажрибалар асосида олиб борилган ишлар амалий кўникмаларнинг ривожланиш самарадорлигига таъсирини кўйидаги жадвалдан кўриш мумкин. Олинган натижаларнинг таҳлили натижасида шу нарса маълум бўлдики, тажриба синф ўқувчиларининг амалий кўникма ва малакаларни ўзлаштириш даражаси назорат синф ўқувчилариникига нисбатан 22,8 % га ортган (4-жадвал).

4-жадвал

Амалий фаолият кўникмаларининг ўзлаштириш даражасига уй шароитида бажариладиган тажрибаларнинг таъсири

Синфлар	Ўқувчилар сони	Баҳолар			
		5	4	3	2
Тажриба	98	24/24,6	41/41,8	31/31,6	2/2
Назорат	94	16/17	25/26,6	50/53,2	3/3,2

Изоҳ: Махражда фоизлар




3-расм. Амалий мазмундаги топшириқларнинг ўқувчилар билим сифатига таъсири

Қўшимча дидактик материаллардан фойдаланиш (3-жадвал) 7-синф ўқувчиларининг билим сифатига сезиларли ижобий таъсир этишини 3-расмдаги диаграммадан кўриш мумкин.

Бу ерда ўқувчиларнинг билим сифати тажриба синфларда 78,6 % га, назорат синфларида эса 59,6 % га, яъни тажриба синфларда билим сифати назорат синфларга нисбатан 19 % га ортганлигини кўриш мумкин.

Дастлабки кимёвий тушунчалар, қонунлар, назариялар, айрим фактик материаллар юзасидан кимёвий БКМларни самарали ўзлаштириш мақсадида уларни ўзаро узвий боғлиқликда тушуниб бориш, индуктив ва дедуктив методлар асосида ҳулосалар чиқара олиш негизида ноорганик моддалар орасидаги генетик боғланишларни англаш 7-синф ўқувчилари ўзлаштириш даражасининг сифат ва миқдор жиҳатдан ижобий ўзгаришига олиб келади (4-расм).



1 – “Кимёнинг асосий тушунча ва қонунлари” боби; 2 – “Кислород” боби; 3 – “Водород” боби; 4 – “Сув ва эритмалар” боби; 5 – “Ноорганик моддаларнинг энг муҳим синфлари”; 6 – “Оксидлар, асослар, кислоталар ва тузларнинг ўзаро генетик боғланиши” боби.

4-расм. Кимё таълимининг дастлабки босқичида кимёнинг асосий боблари бўйича ўқувчилар ўзлаштириш даражаларининг ўзгариши

Олиб борилган тадқиқотларимизда тақлиф этилган дидактик материаллар, тавсияларнинг самарадорлиги, ўтказилган педагогик тажриба-синовдан олинган натижаларнинг ишончлилиги педагогик тадқиқотларни математик-статистик таҳлил этиш χ^2 -мезони асосида ишлаб чиқилган компьютер дастури ёрдамида аниқланди. Бунда М.И.Грбарь, К.А.Краснянскаяларнинг “Применение математической статистики в педагогических исследованиях. Непараметрические методы. (Москва: Педагогика, 1977) номли китобидаги тавсиялардан (96–106 бетлар) фойдаланилди.

Биздаги эркинлик даражалари $\nu = 2, 3, 4$ ва муҳимлик даражаси $\alpha = 0,05$ эканлигини ҳисобга олиб, (юқорида кетирилган китобнинг 130-бетдаги Г-

жадвали) $T_{\text{мез}}$ ни аниқлаймиз. Берилган эркинлик даражаларига мувофиқ унинг қиймати тегишлича 5,991 ва 7,815 га тенг эканлиги аниқланди.

Олиб борилган тажриба-синов ишлари якунида олинган натижалар ҳисобланди ва улар $T_{\text{мез}}$ қийматлари билан солиштирилди.

$$1\text{-жадвал учун } T_{\text{куз}} = 6,523 > T_{\text{мез}} = 5,991$$

$$2\text{-жадвал учун } T_{\text{куз}} = 10,656 > T_{\text{мез}} = 7,815$$

$$3\text{-жадвал учун } T_{\text{куз}} = 8,575 > T_{\text{мез}} = 7,815$$

$$4\text{-жадвал учун } T_{\text{куз}} = 9,842 > T_{\text{мез}} = 7,815$$

Натижаларга кўра $T_{\text{куз}} > T_{\text{мез}}$, демак, H_0 тахмин инкор этилиб, H_1 тахмин қабул қилинади.

Формула асосида ҳисоблаш натижасида олинган қийматлар статистик аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда олиб борган тадқиқот ишларимиз ҳамда таклиф этган дидактик материаллар ва тавсияларимиз самарадорлиги педагогик нуқтаи-назардан тасдиқланди.

ХУЛОСА

Умумтаълим мактабларида кимёвий БКМларни амалий мазмундаги мустақил ишлар мисолида самарали ривожлантириш мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижалари қуйидаги хулосаларни тақдим этишга асос бўлди:

1. Кимёвий БКМларни самарали ривожлантириш учун дарсда ва мактабдан ташқари ишларда мустақил ишлардан фойдаланишда назариянинг амалиёт, ҳаёт билан боғлиқлиги тамойилига амал қилиш масалаларига доир илмий-методик, илмий-оммабоп адабиётлар, илмий-тадқиқот ишлари, илғор педагогларнинг иш тажрибалари ва тавсиялари атрофлича ўрганилди, таҳлил этилди, тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб сараланди ва қайта ишланди.

2. Кимё таълимининг мактаб босқичида (7-синф) назариянинг амалиёт, ҳаёт билан боғлиқлиги дидактик тамойилига илмий тадқиқотлар, Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва методик қўлланмаларда эътиборни янада кучайтириш, дарсда ва мактабдан ташқари ишларда фойдаланиш учун амалий мазмунга эга мустақил ишлар, илмий-оммабоп адабиётларни яратиш ва нашр этиш зарурлиги аниқланди.

3. Кимё фанини ўқитишнинг мактаб босқичида (7-синф) назариянинг амалиёт, ҳаёт билан боғлиқлиги тамойилига айрим ҳолларда етарлича риоя этилмаётганлиги оқибатида ўқувчиларнинг кимё фанини ўрганишга бўлган қизиқишлари пасайиб, табиий-илмий саводхонликни шакллантириш ишлари самарадорлиги талаб даражасида бўлмаётганлиги, “хемофобия” ҳисси каби салбий жараён юзага келаётганлигини инобатга олиб, илмий-тадқиқот ишининг мақсади ва ундан келиб чиқадиган асосий вазифалар белгилаб олинди.

4. Тадқиқот вазифаларини амалга ошириш мақсадида амалий мазмунга эга бўлган кимё таълими (7-синф) ўқув курсининг барча мавзуларидаги

кимёвий БКМларни ўзида ифодаловчи, дарсда ва мактабдан ташқари ишларда фойдаланиш учун мўлжалланган амалий мазмундаги 200 та масала ва машқ, 280 та тест, уй шароитида бажарилиши мумкин бўлган 25 та кимёвий тажриба ва методик таъминотни улар ёрдамида такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

5. Амалий мазмундаги мустақил ишлар ва методик таъминотни такомиллаштиришга доир тавсиялар 7-синфларда синовдан ўтказилди ва улар ўқув жараёни самарадорлигининг ортиши омили бўлиши мумкинлиги тасдиқланди.

6. Педагогик тажриба-синов давомида кимё таълимининг мактаб босқичида (7-синф) кимёвий БКМларни самарали ривожлантиришга мўлжалланган амалий мазмундаги мустақил ишлар ва методик таъминотни такомиллаштиришга доир тавсияларнинг ўқув жараёни самарадорлигига таъсири таҳлил қилинди ҳамда тажриба синфларида ўзлаштириш даражаси назорат синфларига нисбатан юқори эканлиги педагогик тадқиқотларни математик-статистик таҳлил қилиш χ^2 (хи-квадрат) мезони асосида ишлаб чиқилган компьютер дастури асосида исботланди.

7. Кимё таълимининг мактаб босқичида (7-синф) ўқитиладиган барча мавзуларни ўрганишда назариянинг амалиёт, ҳаёт билан боғлиқлиги тамойили мавқеини ошириш ҳамда кимё фани ва саноатининг аҳамиятини ўқув жараёнида ўқувчиларга тизимли тарзда етказиш зарурлиги аниқланди.

8. Кимё фани асосларини ўрганишга бўлган қизиқишни юқорида келтириб ўтилган тавсиялар асосида ошириш пировард натижада ёшларнинг кенг ва чуқур дунёқарашга эга бўлишида, кимёнинг амалий аҳамиятини англайдиган, мустақил фикрлайдиган, ўз билим ва кўникмаларидан турли шароитларда фойдалана оладиган, экологик маданиятга эга шахсларни камол топдиришда муҳим роль ўйнайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Ped.01.09 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ, ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ДУМОНОВ БАХРОМЖОН МУХТОРОВИЧ

**ЭФФЕКТИВНОЕ РАЗВИТИЕ ХИМИЧЕСКИХ ЗНАНИЙ, УМЕНИЙ И
НАВЫКОВ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ
(на примере самостоятельных работ с практическим содержанием)**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (химия)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/Ped246.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz

Научный руководитель:

Аскарлов Иброхим Рахмонович,
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мухамадиев Мухтор Ганиевич,
доктор химических наук, профессор

Омонов Хожикул Товбоевич,
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета по присвоению ученых степеней DSc28.12.2017.Ped.01.09 при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека, Ташкентском химико-технологическом институте, Ташкентском государственном педагогическом университете « ___ » _____ 2019 года в « ___ » часов. (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом № 4. Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно ресурсном центре Национального университета Узбекистана имени МирзоУлугбека (зарегистрирован за № ____). Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом № 4. Тел.: (+99871) 227-12-24; (+99871) 246-02-24;

Автореферат диссертации разослан « ___ » _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ___ » _____ 2019 года).

М.М.Арипов
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней
д.ф-м.н., профессор

А.Д.Аскарлов
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н.(PhD)

М.Тухтасинов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д. ф-м.н., профессор

Введение (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире особое внимание уделяется таким задачам, как совершенствование образовательной сферы, внедрение современных информационных и педагогических технологий в образовательный процесс, развитие методических основ обучения естественным наукам в соответствии с современными тенденциями их развития. В развитых странах наблюдается проведение работ по повышению интереса учащихся к получению знаний, созданию научно-популярной литературы для использования в урочных и внешкольных занятиях, повышению творческого мышления учащихся, выявлению новых подходов к формированию компетенций по химии и применению их на практике, на основе реализации требований Международной программы оценки естественно-научной грамотности (PISA).

На международном уровне проводятся исследования по повышению эффективности обучения естественным наукам, развитию знаний, умений и навыков (ЗУН)ов учащихся, интеграции содержания основ смежных наук. В этих исследованиях ведётся поиск взаимосвязи усвоенных знаний по химии и её связи с повседневной деятельностью, решению задач по систематическому применению сведений, связанных с жизнью в учебном процессе, применению аналогий, связанных с повседневной жизнью при обучении химии. Это, в свою очередь, даёт возможность учащимся применять знания и умения, усвоенные по химии для понимания сущности явлений и процессов, происходящих в повседневной жизни, расширению их естественно-научного кругозора, решения образовательно-воспитательных целей обучения химии.

В системе образования нашей страны проводятся эффективные реформы по повышению интереса учащихся к изучению основ науки, повышению качества образования до уровня мировых требований. Вместе с этим, наблюдается потребность разработки заданий практического содержания в целях совершенствования содержания методического обеспечения. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определена приоритетная задача – «...кардинально повысить качество общего среднего образования, углубленно изучать иностранные языки, информатику и математику, а также другие важные и востребованные предметы, такие как физика, химия, биология»¹. В связи с этим важное практическое значение имеет взаимная интеграция содержания химии с опорными понятиями точных и естественных наук, разработка содержания методического обеспечения на основании оценки требований международных программ, совершенствование формирования практических навыков учащихся.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года. // Сборник законодательных документов Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, 70-статья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годы», в постановлении ПП-2124 от 6 февраля 2014 года «О дополнительных мерах, направленных на реализацию государственной молодежной политики в Республике Узбекистан», в постановлении ПП-3304 от 30 сентября 2017 года «О дальнейшем совершенствовании деятельности Министерства народного образования Республики Узбекистан», в постановлении ПП-3931 от 5 сентября 2018 года «О мерах по внедрению новых принципов управления в системе образования» и других нормативно-правовых документов, относящихся к данной области.

